

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 94(575)+301(575)(512.141/512.145)

ИСОКБОВ АЛИШЕР АХМАДЖОНОВИЧ

**ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДА
ТАТАР-БОШҚИРД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ
(XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)**

Ихтисослик: 07.00.02-Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2008

Диссертация Наманган Давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

тарих фанлари доктори
А.Н. Расулов

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори, проф.
С.С. Агзамходжаев

тарих фанлари доктори
Д.Х. Зияева

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
Академияси “Ўзбекистоннинг янги
тарихи” маркази

Ҳимоя 2008 йил _____ ойининг _____ куни соат _____ да
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги
07.00.02-Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган Кенгаш
мажлисида ўтказилади. Манзил: 100174, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси,
ЎзМУ. e-mail: kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент ш.,
Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ).

Автореферат 2008 йил _____ ойининг _____ куни тарқатилди.

**Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби:**

т.ф.н., доц. А.А. Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши бошқа соҳаларда бўлгани каби тарих фанига ҳам катта имкониятлар эшигини очиб бериш билан бирга тарихчи олимлар зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклади. Бугунги кунда тарих "...миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда"¹.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши, совет ҳукмронлиги йилларида сохталаштирилган тарихни турли тазйиқлардан холи равишда, ҳаққоний ёритишни талаб этмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш вазифасини эса "...олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммаларига олишлари даркор"²лиги таъкидланди.

XIX аср охири - XX аср бошлари Ўзбекистон тарихидан Россия империясининг мустамлакачилиги даври сифатида ўрин олган. Мана шу даврда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд зиёлилари фаолияти кенг қўламлилиги билан ажралиб туради.

Туркистон ва татар-бошқирд халқларининг алоқалари тарихан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Россия империяси истилоси эса татар-бошқирдларнинг Туркистон ўлкаси томон кириб келиши ва фаолияти учун ўзига хос замин яратди. Подшо ҳукумати дастлаб татар-бошқирдлардан ўлкада мустамлакачилик тартиботини ўрнатишда унумли фойдаланди. Ўз навбатида мустамлака даврида кўплаб татар-бошқирдларнинг тилмоч ва таржимонлар сифатида ўлкага кириб келиши, улар салмоғининг кўпайишига олиб келди.

Туркистонда татарлар томонидан ўз фарзандлари учун жорий этган янги усул мактабларининг оммалашиши, маориф соҳасида уларнинг маҳаллий зиёлилар билан ҳамкорлигига асос солди. Маҳаллий зиёлилар рус-тузем мактабларини эмас, балки ислом маърифати ва замонавий усулларга асосланган татарларнинг янги усул мактабларини афзал билиб, шундай мактабларни ташкил этишда татар муаллимларидан унумли фойдаландилар. Маҳаллий жадидлар ва татар-бошқирд зиёлиларининг маданий соҳадаги ҳамкорлиги миллий театр, матбуот, матбаа ишларини ташкил этиш ва ривожлантиришда кенг намоён бўлди. 1917 йил февраль инқилобидан кейин эса маданий соҳадаги ҳамкорликдан сиёсий курашдаги ҳамжихатликка ўтилди. Таъкидлаш жоизки, ўзаро ҳамкорлик, "миллатлараро тотувлик

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 137.

² Каримов И.А. Халқ ишончи – юксак масъулият // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 349.

тажрибасини доимо назарда тутиб, унга амал қилинган”¹лиги кўплаб ютуқларнинг омили бўлди.

Туркистон халқларининг татар-бошқирдлар билан бугунги яқин ҳамкорлик алоқаларининг тарихий илдизлари айнан шу тарихий жараёнларга бориб тақалади. Совет даврида бу алоқалар тарихи доимо ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан ўрганилиб, татар ва бошқирдларнинг фаолияти ўлкага “инқилоб ғоялари”ни олиб келувчилар сифатида талқин этиб келинди. Ваҳоланки, дастлаб Туркистонга таржимон ва тилмочлар сифатида келган татар-бошқирдлар, кейинчалик ўлкада маънавий-маърифий тараққиёт ҳамда мустамлака тузумига қарши курашда маҳаллий аҳоли билан маслакдош ва елкадош бўлдилар.

Татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолияти турли жабҳаларда намоён бўлишига қарамай бугунги кунга қадар мазкур масала комплекс тарзда ўрганилмади. Мавзунинг долзарблиги энг аввало ана шу тарихий ҳақиқатни тиклаш, татар-бошқирд маърифатпарварларининг ўлкадаги фаолиятини атрофлича ёритиш ва ҳолисона баҳолаш, уларнинг маҳаллий аҳоли билан муштарак мақсадлар йўлидаги ҳамкорлигини кўрсатиш зарурияти билан белгиланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мавзуга доир чоп этилган адабиётларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Совет даври нашрлари.
2. Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар.
3. Хорижий муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳга оид адабиётларни кўриб чиқиш жараёнида масала моҳиятига марксча-ленинча мафкура нуқтаи назаридан ёндашилганлиги, XIX аср охири - XX аср бошларида Россия империяси турк-мусулмон дунёсида юзага келган жади́дчилик ҳаракатининг ижобий жиҳатларидан кўз юмилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, “История Татарской АССР” китобида жади́дчилик миллий буржуа ҳаракати сифатида баҳоланиб, бу ҳаракат вакиллари гўё оддий меҳнаткаш аҳолининг аҳволи билан умуман қизиқмагани ҳолда, асосан юқори табақа вакиллари манфаатлари йўлида хизмат қилганлиги қайд этилган². Шунингдек, “Ўзбекистон ССР тарихи” китобида “...жади́дчилик ҳаракати вакиллари инқилобий ҳаракатларнинг душманлари бўлиб, улар чоризм билан осойишта тил бириктириш йўлини тутдилар. Ўз мамлакатларининг мустақиллигини кўлга киритиш учун эмас, балки синфий манфаатлари йўлида курашдилар. Жади́длар тарғиботига маҳаллий аҳоли ҳеч қандай хайрихоҳлик кўрсатмади”, - дея асоссиз фикрлар билдирилган³.

Юқорида кўрсатиб ўтилган даврдаги Туркистон матбуоти тарихини ёритган ва бу борада тадқиқот олиб борган П.В. Агапов, М.Д. Аннагурдов, Б.Я. Гольдин, Х. Джамбакиев, А.Г. Каримуллин ва Т.Э. Эрназаровлар асосан “инқилобий рух”даги вақтли матбуот нашрлари ва уларнинг маҳаллий аҳоли

¹ Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. –Т.: Университет, 2007. – Б. 9.

² История Татарской АССР. – Казань: Татарское книжное издательство, 1980. – С. 81.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1983. –Б. 25.

сиёсий онгининг “уйғониши”да тутган аҳамияти ҳақидаги маълумотлар билан чекланганлар. Айни пайтда ушбу тадқиқотларда ўлкадаги миллий ва мустамлака матбуотида фаолият кўрсатган татар-бошқирд матбаачилари ҳақида деярли тўхталиб ўтилмаган¹.

А.Х. Махмутова XIX аср охири - XX аср бошларидаги татар аёлларининг саводчилигини бевосита рус-татар мактаблари мисолида ўрганиб, кўплаб татар аёлларининг саводсиз, ҳуқуқсиз бўлганлигини қайд этган². Бироқ, архив манбаларида, шу даврда Т. Файзирахмонова, Р. Даутова, Г. Хисматуллина, М. Шигабутдинова³ ва Б. Чанишева⁴ каби кўплаб татар маърифатпарвар муаллималари янги усул мактабларида маҳаллий аҳоли болаларини ўқитганлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Р.М. Раҳмонов, Х. Махмутов, И. Илялова ва Б. Гиззат тадқиқотларида татар театр труппаларининг Туркистонга ташрифи, И. Кудашев-Ашказарский, А. Қориев, З. Боязидский каби актёрларининг миллий театр санъатини вужудга келишидаги ўрни ҳақида маълум бир фикрлар билдирилгани ҳолда, уларнинг маърифатпарварлик фаолиятларини эътибордан четда қолдирганлар⁵.

Бироқ, совет тузуми даврида ҳам татар-бошқирдларнинг Туркистондаги фаолиятлари ижобий эътироф этиш ҳоллари учраб туради. Масалан, академик-шоир Ғ. Ғулом ўз даврида татар маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолиятига баҳо бериб, дастлабки тилмочлар, расмий ва адабий таржимонлар, даврий матбуот, матбаа ишлари ҳамда миллий театр санъати асосчиларини асосан татарлар ташкил этганлигини эътироф этган⁶. Ш. Турдиев “Адабий ҳамкорликлар самараси” номли китобида Туркистон халқлари билан татарлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ҳолисона ёритиб берган⁷.

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида мавзуга оид нашр этилган илмий адабиёт, тадқиқот ва мақолалар киради.

¹ Аннагурдов М.Д. Совет Туркменистанынын метбугат тарихындан очерклар (туркман тилида). – Ашгабат, 1962; Агапов П.В. Военная печать Туркестана в годы гражданской войны (1918-1920 гг.): Дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1967; Джамбакиев Х. Развитие национальной партийно-советской печати и её роль в борьбе за победу и упрочение советской власти в Туркестане (1917-1920 гг.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1972; Гольдин Б.Я. Становление и развитие советской печати в Туркестанской АССР (на материалах журнальной периодики 1917-1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1973; Каримуллин А.Г. Татарская книга начала XX века. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1974; Унинг ўзи. Татар типографиялере тарихынан (татар тилида). – Казань: Татарское кн. изд-во, 1974; Унинг ўзи. Татарская книга пореформенной России. – Казань: Таткнигоиздат, 1983; Эрназаров Т.Э. История печати Туркестана, 1870-1925 гг. – Т.: Ўқитувчи, 1976.

² Махмутова А.Х. Борьба за женское образование у татар (90-е гг. XIX в. - 1917 г.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Казань, 1970.

³ ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 10-12 варақлар.

⁴ ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406^А-иш, 32-варақ ва унинг орқаси.

⁵ Рахманов М.Р. Хамза и узбекский театр. – Т.: Гослитиздат, 1960; Унинг ўзи. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 г. – Т.: Изд-во литература и искусства им. Г. Гуляма, 1981; Илялова И. Межнациональные связи татарского театра. – Казань: Татарское книжное издательство, 1985; Махмутов Х., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгә кадэрге татар театры (татар тилида). – Казань: Татарстан китап нэшрияты, 1988.

⁶ Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт // Слово о Тукае. – Казань: Татарское книжное издательство, 1986. – С. 18-22.

⁷ Турдиев Ш. Адабий ҳамкорликлар самараси (Ўзбек-татар адабий алоқалари тарихидан). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 20-59.

Жадидчилик ҳаракати тарихи бўйича тадқиқот олиб борган Б. Қосимов ўз асарларида татар маърифатпарварларининг Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратган¹.

Адабиётшунос олим У. Долимов асарларида ҳам татар маърифатпарварларининг Туркистон жадидлари билан ҳамкорлиги ўз ифодасини топган². Бу борада ўзбек маърифатпарвари Ибротнинг татар жадидлари Ҳ. Макаев ва А. Шаҳидий билан янги усул мактаблари, матбаачилик соҳасидаги ишларини келтириб ўтиш жоиз. Шунингдек, муаллиф ўз асарларида Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида дастлабки янги усул мактабларининг асосчилари татарлар эканлигини қайд этган.

Ш. Ризаев жадид драматургиясига оид тадқиқоти ва асарларида ўзбек миллий театр санъатининг шаклланишида татар театр труппалари, актёрлари ва режиссёрларининг катта ўрин тутганлигини эътироф этган³.

С. Аъзамхўжаев ва А. Мингноров тадқиқотларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистонда миллий мухторият (Туркистон Мухторияти) учун курашдаги сиёсий фаолиятлари ўз ифодасини топган⁴.

М. Абдурахмонов тадқиқотида бошқирд халқининг атоқли фарзанди Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг Туркистондаги илмий-сиёсий фаолиятига кенг ўрин ажратилган⁵.

Татар маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолияти тўғрисида Я.А. Абдуллаева ҳам ўз тадқиқотида тўхталган. Хусусан, у Амударё бўлими ҳудудида жадид мактаби очиб, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитган татарлар Б. Салимова ва Ю. Аҳмедов фаолияти ҳамда мазкур мактаблардаги ўқитиш тизими ҳақида маълумот бериб ўтган⁶.

Тадқиқотлар орасида А.Н. Расуловнинг илмий изланишлари ҳам эътиборга молик. Унинг Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихига оид мақола ва тадқиқотларида татар-бошқирдларнинг ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, маданий фаолиятига ҳам ўрин ажратилган⁷.

¹ Қосимов Б. Исмоилбек Гаспдали. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992; Унинг ўзи. Маслакдошлар. – Т.: Шарқ, 1994; Унинг ўзи. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2002.

² Долимов У. Исҳоқхон Иброт. – Т.: Шарқ, 1994; Унинг ўзи. Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: Университет, 2006.

³ Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари: Филология фан. номз. ... дисс. – Т., 1995; Унинг ўзи. Жадид драмаси. – Т.: Шарқ, 1997; Унинг ўзи. Саҳна маънавияти. – Т.: Маънавият, 2000.

⁴ Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.): Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – Т., 1996; Унинг ўзи. Туркистон Мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000; Унинг ўзи. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006; Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль-1918 йил ўрталари): Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2000; Унинг ўзи. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: Маънавият, 2002.

⁵ Абдурахманов М. Научная деятельность А.З. Валидова в Туркестане: Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – Т., 2005.

⁶ Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX аср охири ва XX аср). – Т.: Ijod dunyosi, 2004. – Б. 23; Унинг ўзи. XIX аср охири ва XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи. (ижтимоий-сиёсий аспект): Тарих фан. докт. ... дисс. – Т., 2005. – Б. 65.

⁷ Расулов А.Н. Туркистон ва Татаристон матбаачилари ҳамкорлиги тарихидан // Ўзбекистонда миллатлараро миллатлараро муносабатлар тарихидан. – Т., 1998; Унинг ўзи. Тақдир тақозоси билан Туркистонга келиб қолган татарлар // Жамият ва бошқарув. 2003, -№ 10; Унинг ўзи. Туркистон маданий ҳаётида татарлар // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2004, -№ 1; Унинг ўзи. История взаимоотношений народов Туркестана,

Мазкур масала Россия ва Украина тадқиқотчиларини ҳам бефарқ қолдирмаганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Я.Г. Абдуллин, Ф.Н. Баишев, И.О. Богданович, А.Г. Каримуллин, П.П. Литвинов, Ф. Мусин, А.М. Юлдашбаев, Ғ. Хосэйенов ва С.П. Шедриковаларнинг илмий тадқиқотларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган¹.

Учинчи гуруҳга оид асарлар муаллифлари – Р. Пирс, Ф. Мачатшек ва Б. Сеймор Россия империясининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатига доир китобларида жади́дчилик ҳаракати хусусида ҳам тўхталиб, унинг прогрессив аҳамиятини кўрсатиб ўтганлар².

У. Шамилоглу Волгабўйи ва Туркистон муносабатларини Ш. Маржоний асарлари орқали таҳлил этган ва XIX аср охири - XX аср бошларидаги бу алоқалар ривожига узоқ ўтмишда тамал тоши қўйилганлиги таъкидлаган³.

Мавзу тарихшунослигида З.В. Тўғон ва Б. Ҳайит асарлари алоҳида ўрин тутади⁴. З.В. Тўғон хотираларида Туркистон Мухторияти учун курашда татар-бошқирд зиёлилари, жумладан ўз фаолиятига ҳам кенг ўрин ажратган.

Немис олимаси И. Балдауфнинг “XX аср ўзбек адабиётига чизгилар” номли китобида татар маърифатпарварларининг жади́дчилик ҳаракатидаги ўрнига катта баҳо берилган⁵. Француз олими Ж.Р. Равио тадқиқотида эса Россия империяси ҳукмрон доиралари томонидан Сибир ва Ўрта Осиёдаги

Поволжья и Приуралья (1917-1924 гг.): Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. - Т., 2005; Унинг ўзи. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халклари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йй.). – Т.: Университет, 2005.

¹ Абдуллин Я.Г. Джадидизм среди татар: возникновение, развитие и историческое место. – Казань: Иман, 1998; Баишев Ф.Н. Общественно-политические и нравственно-этические взгляды Ризы Фахретдинова. – Уфа: Китап, 1996; Каримуллин А.Г. Татарское государственное издательство и татарская книга России (1917-1932). – Казань: Татарское книжное издательство, 1999; Литвинов П.П. Антитатарская политика царизма в Средней Азии и Казахстане // Материалы по истории татарского народа. - Казань, 1995; Мусин Ф. Гаяз Исхакий (татар тилида). – Казань: Татарстан китап нәшрияти, 1998; Юлдашбаев А.М. Историк вошедший в историю: политическая и научная деятельность профессора Стамбульского университета Ахмед Заки Валиди Тугана. – Уфа: Китап, 1992; Унинг ўзи. Известный и неизвестный Заки Валиди (в памяти своих современников). – Уфа: Китап, 2000; Хосэйенов Ғ. Ризаитдин бин Фахретдин (бошқирд тилида). – Уфа: Китап, 1997; Унинг ўзи. Ил азаматтары (бошқирд тилида). – Уфа: Китап, 1998; Богданович И.О. Роль газеты «Терджиман» у пропаганді реформаторських процесів у мусульманській громаді Російської імперії (1883-1905 рр.): Автореф. на здобуття канд. істор. наук. (украин тилида). – Запоріжжя, 2002; Шедрикова С.П. Кримські татари у ліберальному русі мусульманських народів Російської імперії початку XX ст.: Автореф. на здобуття канд. істор. наук. (украин тилида). – Запоріжжя, 2002.

² Machatschek F. Landeskunde von russisch Turkestan Von Fritz Machatschek. – Stuttgart: Verl. Von J. Engelhorn's Nachf, 1921; Pierce R.A. Russian Central Asia 1867-1917: A study in colonial rule. – Los Angeles: University of California Press, 1960; Seymour B. Russia's protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865-1924. – Cambridge: Harvard University Press, 1968.

³ Schamiloglu U. The Formation of Tatar Historical Consciousness: Şihabaddin Marçani and the Image of the Golden Horde // Central Asian survey. 1990. Volume 9, Number 2. – P. 39-47.

⁴ Togan Z.V. Hatıralar. Turkistan ve diğer musliman dogu turklerinin milli varlik ve kultur mücadeleleri. – Istanbul, 1969; Унинг ўзи. Problems of Turkestan Horde // Central Asian survey. 1990. Volume 9, Number 2. – P. 95-101; Унинг ўзи. Воспоминания. (Борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрок за национальное бытие и сохранение культуры.). Книга I. - Уфа: Китап, 1994; Hayit B. Turkestan im XX Jahrhundert. – Darmstadt, 1956; Унинг ўзи. «Basmaçılar». Turkistan Milli Mücadele Tarihi (1917-1934). – Ankara: Türkiye diyanet vakfi, 1997.

⁵ Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 16,37; Қаранг: Унинг ўзи. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 44-51.

мустамлака маҳкамаларига татарлар кенг кўламда жалб этилгани таъкидланган¹.

Истиклол йилларидаги бир қатор тадқиқотларда, татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги фаолиятларининг айрим жиҳатлари қисман ёритиб берилган. Мазкур масала ҳозирга қадар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боисдан ҳам мавзуга оид адабиётлар таҳлили, кам ўрганилган муаммоларни аниқлаш ва уларни ёритишга янгича ёндашув лозимлигини кўрсатади.

Диссертация иши Наманган Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд зиёлиларининг тутган ўрнини очиб беришдан иборатдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш ўз навбатида қуйидаги вазифаларни белгилаб беради:

- Туркистоннинг Россия империяси томонидан забт этилиши ва мустамлака тартиботи ўрнатилишида татар-бошқирдлардан фойдаланишдан кўзланган асосий мақсадларни очиб бериш;

- XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида татар муаллимлари томонидан очилган янги усул мактаблари фаолиятини таҳлил этиш;

- Туркистондаги татар-жадид мактабларининг маҳаллий янги усул мактаблари ташкил этилишидаги ролини кўрсатиб бериш;

- Туркистонда Россия империяси мустамлака тузумига қарши курашда татар-бошқирд зиёлиларининг тутган ўрнини ўрганиш;

- Татар ва бошқирдларнинг Туркистонда ер ва кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилишининг моҳиятини очиб бериш;

- Туркистонда миллий матбуотнинг юзага келиши, ривожланиши ва матбаа ишларини ташкил этишда татар зиёлиларининг ўрнини таҳлил этиш;

- Туркистонда театр санъати шаклланиши ва ривожда татар труппалари ва актёрларининг иштирокини ёритиш;

- Туркистон Мухторияти учун кураш ва уни мустаҳкамлашда татар-бошқирд зиёлиларининг иштирокини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг даврий чегараси сифатида XIX аср охиридан 1918 йил бошига қадар бўлган давр белгиланди. Чунки, айнан шу даврда Россия империяси ҳудудида яшовчи турк-мусулмон дунёси ўзининг янги миллий уйғониш даврини бошидан кечираётган эди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Мавзуни ёритиш жараёнида тадқиқотчи томонидан илмийлик, холислик, тарихийлик тамойилларига таянилди. Асосий эътибор юз берган воқеаларнинг ўзаро диалектик алоқадорлиги ва бир тизимлигига қаратилди. Тадқиқот жараёнида мавзуга миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғоясидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

¹ Равио Ж.Р. Татарстан в центре создания федеральной структуры России: инвенция суверинитета-союза // Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 295.

Шунингдек, тадқиқотнинг назарий асосини Президент И.А. Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасига бағишланган асарлари, 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан учрашувда берган кўрсатмалари¹, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тарих фанини ривожлантириш борасида қабул қилган қарорларида² баён этилган тарихийлик, ворисийлик ва тадқиқот олиб боришда ягона объектив усулдан фойдаланиш, тарихга ҳолисона ёндашиш ҳам белгилаб берди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- тадқиқот жараёнида Туркистоннинг XIX аср охири - XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварлари ҳам ўзига хос ўрин тутганлиги аниқланди;

- олиб борилган изланишлар натижасида Туркистонда татар муаллимларининг маориф тизимини ислоҳ қилишдаги фаол иштироки ва мазкур масалага мустамлака маъмуриятининг муносабатини акс эттирувчи муҳим тарихий манбалар илмий истеъмолга киритилди;

- диссертацияда умумтуркий бирлик, маданий-маърифий тараққиёт учун кураш ғоялари татар-бошқирд ва маҳаллий тараққийпарварлар ҳамкорлигига асос бўлганлиги кўрсатиб берилди;

- тадқиқот давомида татар-бошқирд маърифатпарварлари эришган муваффақиятлар учун ўлкада қулай ижтимоий-маънавий заминнинг мавжудлиги ва маҳаллий тараққийпарварлар томонидан қўллаб-қувватланиши асосий омил бўлгани аниқланди.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Диссертациянинг манбавий асосларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

I. Архив ҳужжатлари.

II. Вақтли матбуот нашрлари.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗР МДА)даги ҳужжатларни асосий манба сифатида киритиш мумкин. Диссертациядаги асосий маълумотлар мазкур архивнинг қуйидаги фондларидан тўпланиб, таҳлил этилди:

И.1-фонд - Туркистон генерал-губернатори канцелярияси, И.2-фонд – Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдор, И.17-фонд - Сирдарё вилояти бошқармаси, И.18-фонд - Самарқанд вилояти бошқармаси, И.19-фонд - Фарғона вилояти бошқармаси, И.36-фонд - Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси, И.43-фонд - Туркистон почта-телеграф округи бошқармаси, И.47-фонд - Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси, И.461-фонд - Туркистон район муҳофаза бўлими, Р.34-фонд – Туркистон маорифи халқ комиссарлиги.

Тадқиқот мавзусини ёритиш жараёнида ЎЗР МДАнинг И.1-фондидан татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларига оид, И.2, И.17, И.18, И.19, И.36,

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 132-155.

² “Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр қилиш ҳақида” // Халқ сўзи. 1996. 17 декабрь; “Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” // Ўзбекистон овози. 1998. 28 июль.

И.47-фондларидан Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлигидаги татар муаллимларига доир, И.461-фонддан эса татар-бошқирдларининг кенг кўламли фаолияти ҳақида тўпланган маълумотлар манбавий асос бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи гуруҳ манбалари каторига ўша даврда чоп этилган вақтли матбуот нашрлари – “Туркестанские ведомости” (1870-1917), “Таржумон” (1883-1914), “Тараққий” (1906), “Самарқанд” (1913), “Улуғ Туркистон” (1917-1918), “Халқ дорулфунуни” (1918) ва бошқаларни киритиш мумкин. Булар орасида айниқса, Туркистон татарлари марказий бюросининг наشري – “Улуғ Туркистон” газетаси алоҳида эътиборга молик. Чунки 1917 йил 25 апрелдан 1918 йил 30 ноябрга қадар чиққан ушбу газета шу пайтдаги ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнларни холис ёритиш билан бирга, Туркистондаги татарлар ҳаёти ва фаолиятига¹ ҳам кенг ўрин ажратган.

Юқорида номлари қайд этилган манбалар татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолиятини ёритишда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мавзунини ёритиш жараёнида бирёклама талқинлардан воз кечган ҳолда, архив манбалари, тарихий адабиётлар ва вақтли матбуот нашрлари маълумотларининг умумлашган таҳлили натижасида қуйидаги янгиликлар илмий муомалага олиб кирилди:

- илк бор Туркистонда татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилди;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг мавзуга доир кўплаб ҳужжатлари илк бор илмий муомалага киритилди;
- биринчи бор татар-бошқирд таржимон ва тилмочларининг мустамлака шароитидаги фаолиятлари ёритилди;
- XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда татар муаллимлари томонидан очилган жаҳид мактаблари тузилиши, ўқитиш тизими ва мустамлака маъмуриятнинг уларга салбий муносабати холисона тарзда ёритиб берилди;
- Туркистонда маҳаллий тараққийпарварлар томонидан янги усул мактабларининг ташкил этилишида татар муаллимларининг кўрсатган ёрдамлари бирламчи манбалар орқали асосланди;
- Россия империяси мустамлакачилигига қарши татар-бошқирдларнинг ўлкадаги сиёсий фаолиятлари, Туркистонда татарлар томонидан тузилган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти таҳлил этилди;
- Туркистонда татар-бошқирдларнинг ер ва бошқа кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи учун курашлари илк бор ёритилди;

¹ Иттифоқ жамияти. 1917. 25 апрель; Туркистонга автономия олув ҳақида. 1917. 5 май; Туркистон хабарлари. 1917. 13 май; Тўқой кечаси, Тоторларнинг миллий саҳналарина ўн йил тўлуви, Бухорода тотор жамияти, Тошкандда мусулмон матбааси, Туркистон мударрис ва муаллимларининг сизди ҳақида. 1917. 31 май; Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи. 1917. 10 сентябрь; Туркистон Мухторияти ва иқтисодий автономия. 1917. 18 ноябрь; Тоторча тиётр. 1917. 13 декабрь; Андижонда мухторият намойиши. 1917. 16 декабрь; Туркистон тоторларининг қарорлари. 1917. 20 декабрь; Хўқанд тоторларининг ҳимматлари. 1917. 24 декабрь; Тоторча тиётр ва болалар эртаси, Фарғона нидоси. 1917. 31 декабрь; Мусулмон ишчи ва деҳқонлар съезди, 1918. 4 январь; Хўқанд тоторларининг жамиятида, Каттакўрғонда марказий тотор бюросининг доклади, 1918. 11 январь; Сиёсий аҳвол, 1918. 28 январь; Туркистон Мухториятининг фожеаси, 1918. 26 февраль; Тилмочлар бюроси, 1918. 2 март; Хўқанддан мактуб, 1918. 6 март; Тотор рутаси битуву, 1918. 14 март; Мухтарам тотор қардошлар. 1918. 30 апрель; Тотор социалистлари комитети, Туркистон мухторияти эълон қилинди. 1918. 3 май; Комиссар Клиблеев. 1918. 21 май.

- Туркистонда вақтли матбуот, матбаа ишлари, театр санъати шаклланиши ва ривожда татар маърифатпарварлари иштироки очиб берилди;
- Туркистон Мухторияти учун кураш ва уни мустаҳкамлашда татар-бошқирд зиёлиларининг иштироки манбалар асосида ёритилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Диссертацияда илк бор Туркистондаги жадидчилик ҳаракати ва бошқа ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларда татар-бошқирд зиёлиларининг тутган ўрни кенг ёритилди. Тадқиқотда келтирилган маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, ундан ўлканинг XIX аср охири - XX аср бошлари тарихига оид ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, олий ўқув юртлири тарих факультетлари бакалаврлари ва магистрлари учун махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот апробацияси. Диссертациянинг асосий хулосалари тадқиқотчи томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон” номли Республика илмий-назарий конференцияси (2003), Қўқон Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган “Қўқон асрлар силсиласида” номли Республика илмий-назарий конференцияси (2004) ва Наманган Давлат университетида ўтказилган “Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари”, “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумида IV Республика илмий назарий конференцияси (2007)даги чиқишларида илмий жамоатчиликка етказилган. Шунингдек, диссертация Наманган Давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасида мазкур тадқиқотнинг муҳокамаларида, Фарғона Давлат университети Гуманитар факультети Тарих кафедраси илмий семинар йиғилишида, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Тарихга ихтисослашган илмий семинар йиғилишида ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти қошидаги илмий семинар йиғилишларида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 5 та илмий мақола ва 5 та тезис ҳамда материалларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 179 бетни ташкил қилади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида танлаб олинган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, даврий чегараси, илмий жиҳатдан ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, манбавий асослари, илмий янгилиги, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби “**XIX аср охирида Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирдларнинг тутган ўрни**” деб номланган. Мазкур боб, Туркистоннинг Россия томонидан истило этили-

ши ва мустамлака тартиботини ўрнатилиши даврида империя маъмурлари томонидан татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларидан “унумли” фойдаланиш, ундан кўзланган асосий мақсадлар ҳамда XIX аср охирида татар муаллимлари томонидан очилган янги усул мактаблари фаолиятига бағишланган.

Ўрта Осиё хонликларини бўйсундиришда тили, диний эътиқоди ва маданияти Туркистон халқлари билан муштарак бўлган татар ва бошқирдлар истилочиларнинг асосий нишонига айланди. Улардан Туркистонни истило этиш жараёнида аскар, зобит, ҳарбий врач, фельдшер, тилмоч ва таржимонлар сифатида ҳаракатдаги армия сафларига жалб этилди¹.

Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда татар-бошқирдлар Туркистонда бошқарув маҳкамаларида турли лавозимларга тайинланганлар. Жумладан, Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғига асосан, 1868 йил 22 ноябрда Батиршин Тошкент шаҳри врач², 1869 йил 23 декабрда Туркистон ҳарбий округи медицина бўлими доришуноси Ишханов Самарқанд шаҳрига иш бошқарувчи³, 1871 йил 19 октябрда М. Касмаков ва Г. Надиршин фельдшерлик⁴ лавозимларига тайинланган. 1872 йил 4 январда Россия империяси ҳарбий вазирлиги Бош штаби И. Бекишевни Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман ихтиёрига юборган⁵.

Туркистонда татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларига яратилаётган қулайликлар (маошлар ва таржималар учун тўланадиган ҳақлар назарда тутилмоқда – И.А.) табиий равишда туркий тилларни яхши билувчи кишиларда ўлкага кўчиб келиб ишлаш иштиёқини янада кучайтирган. Масалан, 1868 йил 23 мартда Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳамда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори бошқармасига Смоленск шаҳрида яшовчи татар савдогари М. Ҳусаинов⁶, бошқирд К. Ашимов⁷, Н. Ахмеров⁸ 1871 йил 17 февралда Верний (ҳозирги Алмати) уезди суди ходими Г. Чанишев⁹ ўлкада таржимонлик иши билан шуғулланиш хоҳиши билан ариза берганлар.

1892 йил маълумотиغا кўра, татар миллатига мансуб И.Г. Акчурин Ўш уезди бошқармасида таржимон, У.Ш. Акчурин судья тилмочи, Қўқон уезди бошқармасида Х.Н. Богданов ва бошқирд М.Г. Муҳаммедраҳимовлар таржимон сифатида хизмат қилганлар¹⁰.

Туркистонга ҳарбийлар сафида келган татар ва бошқирдлар ҳукумат ишончини қозониб, амал поғоналарида кўтарилиб борганлар. Масалан, 1882 йилда капитан Х.Ф. Мамлеев Ўш уезди бошлиғи ёрдамчиси¹¹, 1898 йилда

¹ Губаева С. Население Ферганской долины. – Т.: Фан, 1991. – С. 111; Мусин Ф. Гаяз Исхакый (татар тилида). – Казань: Татарстан китап нәшрияти, 1998. – Б. 159; Равио Ж.Р. Татарстан в центре... – С. 294-295; Хосәйенов Ғ. Ил азаматтары (бошқирд тилида). – Уфа: Китап, 1998. – Б. 445-486.

² ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 1191-иш, 8-варақ ва унинг орқаси.

³ ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 1483-иш, 1,2-варақлар.

⁴ ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 3853-иш, 2-варақнинг орқаси.

⁵ ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 3123-иш, 6-варақ.

⁶ ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 793-иш, 1,2-варақлар ва орқаси.

⁷ ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 580-иш, 1-варақ.

⁸ ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 1988-иш, 1-варақ ва орқаси.

⁹ ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 3221-иш, 1-варақ.

¹⁰ ЎзР МДА И.1-фонд, 1-рўйхат, 3118-иш, 110, 114, 232, 249-варақлар.

¹¹ ЎзР МДА И.1-фонд, 1-рўйхат, 3118-иш, 42-варақ.

полковник С.Г. Еникеев Асака участкаси бошлиғи¹ лавозимларида ишлаганлар. Бошқирд зобити - полковник А. Диваев рус армиясида хизмат қилиш билан бирга, Туркистон аҳолиси этнографиясига доир қимматли маълумотлар тўплаган². Шу миллатга мансуб М. Бикчуринга 1853-1880 йиллари Туркистондаги “подшоҳга садоқатли хизмати” учун ҳақиқий статс-маслаҳатчи ва генерал-майор унвони берилган³.

Туркистонда фаолият кўрсатаётган таржимонларга тегишли маошлардан ташқари, қилган таржималари учун ҳам алоҳида пул тўланиб, бу ҳар бир варақ учун 2 копейкани ташкил этган.

И. Гаспринскийнинг 1893 йили Туркистонга ташрифи давомида Самарқанд ва Бухорода дастлабки янги усул мактабларига асос солинган эди⁴. Самарқандда И. Гаспринский ғояси ва татар савдогари А. Хусаинов саъй-ҳаракати билан очилган янги усул мактаби халқ орасида катта обрў қозонган бўлса-да, кўп ўтмай маҳаллий инспекция томонидан ёпилган⁵.

1897 йилдаги махфий маълумотларга кўра, Туркистон ўлкаси тасарруфидаги вилоятларда татарлар томонидан ҳукумат рухсатисиз мактаблар очилганлиги маълум бўлган⁶. Бу мактаблар Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида М.Х. Ахтамов, З. Шафирахутдинов, Казалинск шаҳрида И. Хусаинов, Петро-Александровск шаҳрида К. Сайдалуев, Туркистон шаҳрида И. Курамшев, Авлиёота шаҳрида О. Файзирахмонов ва унинг онаси Т. Файзирахмонова, Авлиёота уездининг Бешёғоч қишлоғида М. Феизев, Р. Даутова, Перовск шаҳрида Г. Хисматуллина, М. Шигабутдинова, М. Мустафин, Қўқон шаҳрида М.Ш. Сулаймонов⁷, Наманган шаҳрида Қ. Баширов ва И. Тахмуллабоев⁸ томонидан очилган бўлиб, унда жами 467 нафар бола ўқиган⁹.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош нозири Ф.Керенский 1899 йил 12 октябрда генерал-губернатор маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида ўлкада татар муаллимлари фаолиятини жиддий назорат остига олиш ва уларнинг ўқитиш ишларини давом эттиришларига йўл қўймаслик бўйича чоратадбирлар кўриш масаласини кўтарган¹⁰.

1899 йилда Туркистон-генерал губернатори С.М. Духовский томонидан тайёрланган “Туркистонда ислом” номли маърузада ҳам маҳаллий инспекция рухсатисиз мактаб очганларга қатъий чоралар кўрилиши белгилаб қўйилган эди¹¹.

Ўз эътиқодларига кўра мусулмон бўлган ўқимишли татарларнинг Туркистон ўлкаси ҳудудига кириб келишлари Россия империяси

¹ Pierce R.A. Russian Central Asia 1867-1917: A study in colonial rule. - Los Angeles: University of California press. 1960. - P. 229.

² Тоған З.В. Воспоминания... - С. 138.

³ Хосэёнов Ғ. Ил азаматтары... - Б. 466-467.

⁴ Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. - Т.: Университет, 2006. - Б. 33.

⁵ Абдуллин Я.Г. Джадидизм среди татар: возникновение, развитие и историческое место. - Казань: Иман, 1998. - С. 10.

⁶ ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 1-18 варақлар.

⁷ ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 14191-иш, 3-4-варақлар.

⁸ ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 14191-иш, 13-14-варақлар.

⁹ Биз томондан ҳисоблаб чиқилган - И.А.

¹⁰ ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 28-29-варақлар.

¹¹ ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 10-варақ.

манфаатларига маълум даражада хавф солишини олдиндан англаб етган К.П. фон Кауфман: “Хар қандай ҳолда татарларнинг қирғизлар (қозоқлар – И.А.) билан мулоқотга киришлари зарарли бўлиши мумкин. Мен уларнинг ўрнига “исломнинг онаси” деб аталган Бухоронинг ашаддий ақидапарастларини кўришни маъқул кўрардим. Татарлар бухоролик ақидапарастлардан хавфлироқдир”-дея ташвишланган эди¹.

Тадқиқотнинг **“Туркистонда татар маърифатпарварлари томонидан очилган янги усул мактаблари”** деб номланувчи иккинчи боби, асосан татар муаллимлари томонидан янги усул мактабларининг очилиши ва мустамлака маъмуриятининг улар фаолиятини чеклаш бўйича амалга оширган чора-тадбирларига бағишланган.

Туркистон ўлкасида XX аср бошларида чеклаш ва тазйиқларга қарамай татар муаллимлари фаолияти янада кучайди. 1900 йилда Андижонда Ш. Қодиров² ва шу йили март ойида Тошкентнинг Қўшмозор даҳаси, Тўкли жаллоб жаллоб маҳалласида Наби домла биринчилардан бўлиб, янги усул мактабини очганлар³. У пайтларда янги усул кўпчилиikka маълум бўлмаганлиги сабабли “нўғойча ўқиш”⁴ деб аталган.

Статс-маслаҳатчи Миллер ўзининг Туркистон ўлкасида олиб борган 5 йиллик фаолияти давомида татар муаллимларининг фаолиятини ҳам ўрганиб таҳлил этган. У ўқитиш масаласида татарлар катта устунлиikka эга бўлиб, маҳаллий муллалар 3 йилда ҳам эриша олмаган натижани, янги усулда дарс беришлари орқали 3-4 ойда амалга оширганликларини таъкидлаган⁵.

Бу даврга келиб янги усул мактаблари нафақат рус-тузем, балки маҳаллий эски мактаблар билан ҳам рақобат қила бошлаган эди. Масалан, Қўқоннинг Бешқабок даҳасидаги 2 та рус-тузем мактаби ўқувчилари сони 150 нафардан ошмагани ҳолда, шу маҳалладаги биргина С. Мазитовнинг мактабида 200 га яқин ўқувчи таҳсил олган. Мазкур мактабларда саводхонлик шу даражага етганки, уни тўла тамомлаган айрим ўқувчилар ўз мактабларини ҳам оча бошлаганлар. Ана шундай мактаблардан бири қўқонлик Аҳмаджон қори Мамажон ўғли томонидан ташкил этилган⁶.

1909 йил 10 июнга келиб татарлар томонидан ташкил этилган янги усул мактаблари сони Наманганда 3, Андижонда 5, Қўқонда 12 тага етган. Янги усул мактабларидаги ўқув дастурига “Муаллими аввал”, “Муаллими соний”, “Қуръон”, “Мубтаҳили жунон”, “Махрумот уд-дин”, “Забур”, “Жўғрофия”, “Ибодати исломия” ва айрим мактабларда буларга қўшимча “Муҳаммадия”, “Қомус” дарсликлари ҳам киритилган эди. Мактабларда Осиё харитаси, глобус, парталар, доска, қирим-чиқим ҳисоби жадвали, император Николай II нинг портрети бор эди. Ўқиш учун тўлов ота-оналарнинг моддий ҳолатлари-

¹ ЎЗР МДА И.1-фонд, 27-рўйхат, 10^А-иш, 1-варақ ва унинг орқаси.

² ЎЗР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 179-варақ орқаси.

³ Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари... – Б. 18.

⁴ Татар муаллимлари томонидан очилган мактаблар маҳаллий аҳоли томонидан «нўғой мактаб» ёки «нўғойча ўқиш» тарзида юритилган. Қаранг: Губаева С. Население Ферганской долины... - С. 114.

⁵ ЎЗР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406^А-иш, 162-варақ.

⁶ ЎЗР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 179-варақ орқаси.

га қараб, ойига 50 копеекдан 3 рублгача олинган. Айрим ночор оилаларнинг фарзандлари умуман бепул ўқитилган¹.

Балхаш бўйида яшовчи қозоқлар овулида ҳам татар муаллимлари маҳаллий болаларни ўқитиш билан бирга, аҳолини ислом динига ўтказиш тарғиботи билан ҳам шуғулланганлар².

Туркистон ўлкасида татарлар самарали фаолиятининг яна бир омили сифатида Қозон, Уфа, Оренбург нашриётларида чоп этилган маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган адабиёт ва дарсликлар савдоси ташкил этганликларини ҳам кўрсатиш мумкин. 1912 йил 16 апрелда Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ)нинг “Нозим” номли жосуси берган маълумотга кўра, Тошкентнинг Якшанба бозоридаги татар мактаби қошида Карим Ҳусайн томонидан очилган китоб дўконида фақатгина татар тилидаги дарслик ва адабиётлар билан савдо қилинган³.

1912 йилнинг ёзида Уфадаги “Галия” мадрасасининг 40 дан ортиқ ёш татар муаллимлари Сарасув дарёси ва Қоратоғдаги яйловлардаги овулларга келиб, қозоқ болаларига ёзув, ҳисоб, тарих, география, араб тили, кироат ва татар тилида шариат қонунларини ўргатганлар⁴.

Туркистон шаҳридан 22 верст⁵ узоқликдаги Қарноқ қишлоғида 5 та мадраса бўлиб, уларда Сирдарё, Оқмола ва Тўрғай вилоятларидан келган 5 мингга яқин талаба таҳсил олган. Мадрасаларда ҳукумат назорати кучли эмаслиги туфайли бу ерда ҳам татар мударрислари фаолият кўрсатганлар⁶.

Қозондаги “Муҳаммадия”, Уфадаги “Галия” ва Оренбургдаги “Ҳусайния” мадрасаларида ўқитиш янги усулга ўтказилгач, уларнинг мавқеи кучайган ва натижада бу ерлардан Бухоро мадрасаларига ўқишга келувчилар сони камайган⁷. Қозон, Уфа, Оренбург мадрасаларининг аҳамияти кучайганлигини лигини Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Замонавий одамлар етуштирмак учун Ўрунбурғ, Қазон [га]... талаба юбормоқ керакдур”,-деган сўзларидан ҳам кўриш мумкин⁸.

Туркистондаги мустамлака маъмурлари янги усул мактабларининг ривож империя манфаатлари учун хавфли эканлигидан ташвишланган ҳолда уларни тақиқлаш, ҳеч бўлмаганда кенг ёйилишига тўсқинлик қилиш чоратадбирларини кўрганлар. Шу мақсадда 1907, 1909, 1911 йилларда Туркистон генерал-губернаторлиги татар муаллимлари фаолиятини чеклаш бўйича махсус кўрсатмалар берган. Жумладан, 1909 йилдаги Туркистон ўлкаси ўқув юртлари инспекцияси қошидаги махсус комиссия ишлаб чиққан янги усул мактабларига доир кўрсатмада маҳаллий мактаб қайси миллат болалари учун

¹ ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 179-варақ.

² ЎзР МДА И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 33-варақ орқаси.

³ ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 136-варақ орқаси.

⁴ ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406^А-иш, 157-варақ.

⁵ Верст қадимги рус ўлчов бирликларидан бири бўлиб, 500 саженга, яъни 1,0668 км га тенг бўлган. Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 435.

⁶ ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406^А-иш, 158-варақнинг орқаси.

⁷ ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 337-варақ орқаси.

⁸ Ойина (1914-1915) / Нашрга тайёрловчилар Н. Норкулов, К. Раббимов. – Т.: Академия, 2001. – Б. 19.

очиладиган бўлса, унинг ўқитувчилари ҳам ўша миллатга мансуб бўлиши шартлиги кўрсатиб ўтилган эди¹.

Татарлар томонидан очилган янги усул мактаблари фаолиятининг тақиқланиши маҳаллий аҳолининг жиддий норозиликка сабаб бўлган. Жумладан, Қўқон уездида ўқувчиларнинг ота-оналари дастлаб Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига, сўнгра Туркистон генерал-губернаторининг шахсан ўзига жами 351 киши имзо чеккан, мактабни қайта ташкил этиш ҳақидаги хатни юборганлар. Бироқ уларнинг илтимослари қондирилмаган².

Туркистондаги мустамлака маъмурлари ўлка маорифида татар муаллимларини жиддий муҳолифлар сифатида кўрганлар. Шу боисдан ҳам уларга қарши барча усул ва воситаларни қўллаб, қатъий чоралар қўллаганлар. Натижада Туркистон ўлкасида татар муаллимлари томонидан янги усулда мактаб очиш ва маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишга маълум даражада чек қўйишга эришилган. Айни пайтда Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларида чоп этилган дарслик ва адабиётларни ҳам “давлатга қарши руҳдаги” нашрлар қаторида эркин савдога чиқариш тақиқланган. Лекин, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, татар-бошқирд маърифатпарварлари фаолиятини бутунлай чеклаб қўйишнинг имкони бўлмаган. Улар Туркистон ўлкасининг шаҳар, уезд, қишлоқ ва овулларида яширин тарзда ўз фаолиятларини давом эттирганлар.

Диссертациянинг учинчи боби **“Туркистонда татар-бошқирд зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиёт учун курашдаги иштироки”** деб номланган. Мазкур бобда, татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистонда мустамлака тартиботига қарши сиёсий фаолияти, вақтли матбуот, матбаа ишлари ва театр санъатининг шаклланишидаги ҳамда Туркистон Мухторияти учун курашдаги иштироки ёритилган.

Татар-бошқирд зиёлилари Туркистонда маҳаллий аҳоли қатори мустамлака тартиботи ва зулмга қарши кураш олиб борганлар. 1906 йили Қўқонда Ш. Мухторов, З. Абихонов ва М. Муҳаммадраҳимов томонидан татарларнинг “Ёш партия” номли фирқаси ташкил этилган. Партия аъзолари дастлаб татар ёшлари орасида Россиядаги каби капиталистик муносабатларни Туркистонда ҳам жорий этиш ҳамда жаҳидчилик ҳаракати ғояларини тарғиб этганлар. Дастлабки пайтларда партия аъзоларининг сафи фақатгина маҳаллий татарлар ҳисобига кенгайиб борган. Кейинчалик партия сафига татарлар билан биргаликда ёш ўзбекларни ҳам қабул қилинган. Партия ўз фаолиятини ривожлантириш жараёнида сармоя ҳам жамғарган. Тўпланган маблағ ҳисобига маърифатпарварлик ғояларини тарқатувчи адабиётлар сотиб олинган. “Ёш партия” маблағи ҳисобидан Тошкентда ўзбек тилида чиқувчи “Шухрат” газетаси молиялаштирилган. Кейинчалик “Осиё” газетасига молиявий кўмак берилган. “Ёш партия” аъзолари М. Беҳбудий ва Мунаввар Қори билан яқин алоқада бўлганлар³.

1913 йил 4 октябрда ТРМБнинг “Керкилик” номли махфий жосуси маълумотиغا кўра, Эски Бухорода 650 нафарга яқин қозонлик татарлар

¹ Долимов У. Туркистонда жаҳид мактаблари ... – Б. 21.

² ЎЗР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 35019-иш, 65-варақ.

³ ЎЗР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 113-варақ.

истиқомат қилиб, улар маҳаллий аҳоли орасида русларга қарши сиёсий ташвиқот ишларини олиб борганлар¹.

Россия Давлат Думаси мусулмон фракцияси аъзоси Садри Мақсудий Думанинг учинчи чақириқ 1912 йил 13 мартдаги йиғилишда сўзлаган нутқида Россия мусулмонлари кўплаб қатағон ва чекловларга дуч келаётгани, мактаблар таъқиб остига олингани, мусулмонлар орасида давлатга қарши қандайдир ҳаракат бор, деган хато хулосага келингани, бунга қарши кураш эса “панисломизм” сўзи билан оқланаётганини таъкидлаб ўтган эди².

Тадқиқотда Туркистон вақтли матбуоти ва матбаа ишларини ташкил этилишида татар маърифатпарварлари алоҳида ўрин эгаллаганлиги манбалар асосида келтириб ўтилган.

1870 йилдан Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғига асосан “Туркестанские ведомости” газетасига илова тариқасида “Туркистон вилоятининг газети” ҳам чоп этила бошланган. Ш. Бекқулов, А. Явушев ва А. Бектемиров каби татар матбаачилари мазкур газетанинг нашр этилишига бош қўшганлар. “Туркистон вилоятининг газети”га 1872 йилдан Ш. Ибрагимов, 1883 йилдан бошлаб қисқа муддат М.Чанишев муҳаррирлик қилган³. 1872 йил 18 январдаги маълумотга кўра, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси ва “Туркистон вилоятининг газети” таҳририятида А. Яушев ва М. Курмишев ҳарф терувчи бўлиб ишлаганлар⁴.

1906 йил 14 июнда И. Обидов Тошкентда татар матбаачилари Ш. Мухторов, И.Алиев билан ҳамкорликда “Тараққий” газетасини ташкил этган. Газета атиги 72 кун умр кўрган бўлса-да, унинг 20 та сони нашр этилган⁵.

1908 йил апрелда яна бир татар маърифатпарвари А. Бектемиров муҳаррирлигида “Осиё” газетаси нашр этила бошланган. Таниқли ўзбек маърифатпарвари А. Авлоний ҳам мазкур газета ташкил этилишида жонбозлик кўрсатган. Газетанинг бешта сони чиққандан сўнг мустамлака маъмурлари томонидан ёпилган⁶.

Тадқиқотда 1917 йил феврал инқилобидан сўнг Туркистон жадиidlарининг татар-бошқирд маърифатпарварлари билан матбуот соҳасидаги ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилганлигига батафсил тўхталиб ўтилган. 1917-1918 йиллар мобайнида Туркистонда татар зиёиларининг бевосита муҳаррирлигида қуйидаги газета ва журналлар чоп этилган: “Улуғ Туркистон” газетаси - Тошкентда К. Бакир ва С. Абдусатторов муҳаррирлигида татар тилида чоп этилган. Газета Туркистон татарларининг марказий шўроси ва Тошкент татарларининг “Иттифок” жамияти наشري ҳисобланган. “Эл байроғи” газетаси - Қўқонда Пўлат Солиев ва Ашурали Зоҳирий муҳаррирлигида 1917 йил 8

¹ ЎЗР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 298-варақ орқаси.

² ЎЗР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 157-варақ; Қаранг: Мусулманские депутаты Государственной Думы России 1906-1917 (Сборник документов и материалов). – Уфа: Китап, 1998. – С. 178-194.

³ Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) / Тузувчи Н.А. Абдуазизова. – Т.: Академия, 2000. – Б. 35-39; Қаранг: Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана (1870-1925 гг.). – Т.: Ўқитувчи, 1976. – С. 18-19.

⁴ ЎЗР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 4280-иш, 13-варақ.

⁵ Расулов А., Исоқбоев А. Зиё тарқатиш йўлида // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари. –Наманган, 2002. – Б. 80.

⁶ Авлоний А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 9.

сентябрдан 1918 йил бошларига қадар ўзбек тилида чоп этилган¹. “Фарғона саҳифаси” газетаси - 1917 йил 15 мартдан Наманганда таниқли татар матбаачиси Ҳ. Мақаев томонидан ўзбек тилида нашр этилган. Газетанинг 19 та сони чиққан холос². “Кенгаш” газетаси - Тошкентда З. Валидий ва Мунаввар Қори муҳаррирлигида 1917 йил 25 июндан 1917 йил октябрга қадар Туркистон мусулмон марказий шўросининг наشري сифатида чоп этилган. “Шўрои Ислом” газетаси – Тошкентда А. Баттол муҳаррирлигида 1917 йил 16 майдан 1917 йил июнга қадар “Шўрои Исломия” ташкилоти наشري сифатида ўзбек тилида чоп этилган³. “Чаён” журнали – Тошкентда Х. Тулаков ва И. Тоҳирий муҳаррирлигида 1917 йил июндан 1918 йил августга қадар Туркистон миллий ишчилар секциясининг наشري сифатида татар тилида чоп этилган. “Чўл чаён” журнали – Тошкентда И. Тоҳирий муҳаррирлигида 1918-1919 йилларда татар тилида нашр этилган⁴. “Халқ дорулфунуни” - Тошкентда М. Бакир муҳаррирлигида 1918 йил 31 майдан бошлаб Туркистон халқ университетининг наشري сифатида чоп этила бошлаган⁵.

Мазкур газеталар орасида “Улуғ Туркистон” газетаси Туркистон татарларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолиятини кенг ёритганлиги билан ажралиб туради.

Диссертацияда 1917 йил февраль инқилобидан сўнг юзага келган қулай ижтимоий-сиёсий вазиятда маҳаллий зиёлилар билан бир қаторда татар-бошқирдлар ҳам миллий мухторият учун курашда фаол иштирок этганликлари ўз ифодасини топган.

1917 йил 4 апрелда Тошкентдаги рус-татар мактаби биносида бўлган йиғилишда татар зиёлиларининг Туркистонда фуқаролик мавқеларини кўтариш мақсадида “Иттифоқ” жамияти тузилган⁶.

1917 йил 7-15 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ишчи ва солдат депутатларининг I қурултойида солдат қўмитасидан вакил бўлиб қатнашган С. Юсупов Туркистонда рус ва мусулмонлар назорати остида ягона ҳокимият тузиш таклифини илгари сурган эди⁷.

1917 йил 16-17 апрель кунлари Тошкентда – Туркистон генерал-губернаторлиги биносида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг I қурултойида татар-бошқирдлардан С. Абдусатторов, А.З. Валидий, И. Шағиаҳмедов ва С. Юсупов 13 кишилик мажлис ҳайъатига сайланган. Мунаввар Қори раислик қилган қурултой ишига А.З. Валидий ва С. Абдусатторов котиблик қилган.

¹ Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль-1918 йил ўрталари): Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2000. – Б. 24.

² Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: Фан, 1993. – Б. 15.

³ Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. // Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 177.

⁴ Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари ... - Б. 23-29.

⁵ Халқ дорулфунуни, 1918. 31 май.

⁶ Иттифоқ жамияти // Улуғ Туркистон. 1917. 25 апрель.

⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. II китоб. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 27.

лар¹. А.З. Валидий ўз “Хотиралар”ида ёзишича, қурултой ўтказилиши режалаштирилган бўлса-да, унинг дастури мавжуд бўлмаган. У 15 апрель кун кечқурун дастурни ёзиб тайёрлаган ва “Туркестанские ведомости” газетаси тахририяига топширган². Қурултойда А.З. Валидий Туркистоннинг қурилажак идора усули ҳақида сўз юритиб, федерал мухторият ғоясини илгари сурган. Бироқ, М. Чўқаев, И. Шағиаҳмедов, К. Бакир ва С. Мақсудий бу фикрга қарши чиққанлар. К. Бакир “Демократик Россия жумҳурияти” тузиш фикрини илгари сурган. Унинг фикрини А. Давлетшин ва С. Мақсудийлар қўллаб-қувватлаганлар. Кейинчалик К. Бакир фикридан қайтиб, миллий-худудий мухторият тарафдорлари томонига ўтган³.

1917 йил 8 сентябрь кун ўлка мусулмонлари марказий шўроси томонидан ташкил этилган Туркистон мусулмонларининг II қурултойида К. Бакир “Уламо” жамияти томонидан тараққийпарварларга нисбатан уюштирилаётган турли хил фитналарга норозилик билдирган⁴. Туркистон мусулмонлари марказий шўросининг аъзоси И. Шағиаҳмедовнинг мазкур қурултойга тайёрлаган 27 моддадан иборат “Туркистон федерация лойиҳаси”ни мухторият йўлида ташланган дадил қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин⁵. Мазкур Мазкур лойиҳада Туркистон ўлкаси Россия жумҳуриятига маҳаллий ва миллий мухторият асосида қўшилиши, барча миллатлар, эркак ва хотин-қизлар барчаси қонун олдида тенг бўлиши, ҳар бир фуқарога виждон эркинлиги ҳуқуқи берилиши кўрсатиб ўтилган эди⁶.

1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонлари IV қурултойи Туркистон Мухториятини эълон қилди⁷. Туркистон Мухториятининг парламенти - Халқ мажлисига татар-бошқирдлардан И. Убайдуллин, И. Шағиаҳмедов, А. Дорбисалин, М. Акчурин, М. Мансуров, И. Давлетшин, Х. Ширинский ва С. Юсупов сайландилар. Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати таркибида бош вазир ўринбосари сифатида Туркистон Мусулмонлари шўроси марказий қўмитасининг раиси И. Шағиаҳмедов бор эди⁸. Орадан бир оз вақт ўтиб, Мухторият ҳукумати таркибида ўзгариш бўлгач, И. Шағиаҳмедов С. Герцфельд ўрнига молия вазири этиб тайинланган⁹. А. Гайнуллин Мухториятнинг ҳарбий бўлимида иш юритувчи бўлиб бўлиб ишлаган¹⁰.

¹ Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материалари асосида). – Т.: Маънавият, 2002. – Б. 15; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Т.: Университет, 2002. – Б. 6.

² Togan Z.V. Natiralar ... - Б. 152.

³ Тоган З.В. Воспоминания... - С. 178.

⁴ Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи // Улуғ Туркистон. 1917. 10 сентябрь.

⁵ Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги ... - Б. 44.

⁶ Акбаров Р. Туркистон миллий ташкилотларининг дастурларида миллий масаланинг акс этиши // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. – Т., 2003. – Б. 96.

⁷ Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – С. 189.

⁸ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти... - Б. 130.

⁹ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи... - Б. 21.

¹⁰ Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида): Тарих фан. номз. ... дисс. – Андижон, 2004. – Б. 62.

Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши ўлкадаги барча маҳаллий аҳоли қатори татарларни ҳам қувонтирган. Андижондаги татар жамияти томонидан 3-4 декабрь кунлари мухторият байрами ўтказилган. 3 декабрь куни Андижоннинг Эски шаҳар қисми аҳолиси Россия ва Кавказ мусулмонлари билан бирга мусиқа садолари остида Янги шаҳарга келганлар. 4 декабрда эса “Иттифок” жамияти идорасида мактаб ўқувчилари байрам уюштирганлар. Шу куни татар мактабида дарс бўлмаган. “Иттифок” жамияти аъзолари, мактаб ўқувчилари ва мусулмон аскарлари биргаликда мусиқа садолари остида Эски шаҳарга бориб маҳаллий аҳолини Андижон татарлари номидан мухторият эълон қилинганлиги билан табриклаганлар¹.

Мухторият эълон қилиниши муносабати билан Жалолобод волости Хонобод қишлоғида 6 декабрда ўтказилган митингда Абдулла эшон ва Ҳусайн Валидий нутқ сўзлаб, аҳолига мухториятнинг ташкил этилиши ва мақсадларини тушунтирганлар². Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоси И. Ша-Шағиаҳмедов ва Туркистон татарлари марказий бюроси раиси К. Бакир жойларда аҳолини мухторият эълон қилиниши билан қутлаганлар. Аҳолини Туркистон Мухториятини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга чақирганлар³. Туркистон Мухторияти эълон қилинганидан икки ҳафта ўтиб, татар шоири Саид Сунчалайнинг “Мухторият садоси” номли озолик мадҳияси “Улуғ Туркистон” газетасида чоп этилган⁴.

Туркистон Мухториятнинг эълон қилиниши большевикларга мутлақо ёқмаган. Бироқ улар Туркистон Мухториятига юзаки равишда хайрихоҳ эканликларини билдирганлар. Татар зиёлиси Ибнямин Ёнбоев бунга жавобан: “...большевиклар ҳақиқатан бизнинг мухторият олишимизни хоҳласалар қуролларини янги ҳукуматга топширсинлар, шундай қилмасалар биз уларнинг самимийликларига ишонмаймиз”-дея ўз нуқтаи назарини билдирган эди⁵. Шунингдек, у Тошкент шаҳар Думасининг сўнгги мажлисида: “Ҳозирги ҳокимиятнинг тан олинган демократиялиги дарғумон. Ушбу ҳокимиятнинг мусулмонлар номидан гапириши эса қип-қизил ёлғон... Мазкур ҳокимиятнинг асл кучи – тўп ва пулемётлардир, лекин биз, мусулмонлар бу кучдан қўрқмаймиз. Бизда ўзга куч мавжудким – ул куч руҳимиздир. Тарих ушбу сохта ҳокимиятни қоралайдиган вақт, албатта келажак!»-деган эди⁶.

Мухторият Муваққат ҳукумати 13 декабрни “Туркистон Мухториятининг миллий жамғармасига пул йиғиш куни” деб эълон қилган эди. Шу муносабат билан уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлида татарлар ҳам фаол ҳаракат қилганлар. Туркистон Мухториятига нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам ёрдам бермоқ “...ҳар бир мусулмон ва турк боласининг бурчи” эканлиги хусусидаги даъватлар “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифаларида тез-тез учрай бошлаган. Марказий татар шўроси ва жойлардаги маҳал-

¹ Андижонда мухторият намоиши // Улуғ Туркистон. 1917. 16 декабрь.

² Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии... - С. 197.

³ Ражабов К., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи... - Б. 23.

⁴ Мухторият садоси // Улуғ Туркистон. 1917. 16 декабрь; Турдиев Ш. Среднеазиатские татары... - С. 179.

⁵ Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги ... - Б. 47.

⁶ Қосимов Й. Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. – Наманган, 1993. – Б. 23; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. – Андижон: Andijon nashriyot-matbaa OAJ, 2000. – Б. 141.

лий татар жамиятлари Мухторият фойдасига маблағ тўплаш масаласини ўзлари учун буюк бир вазифа деб билганлар¹.

Юқоридаги чақириққа биринчилардан бўлиб Қўқондаги татар жамияти аъзолари фаоллик билан киришдилар. Қўқондаги татарлардан ака-ука Ғозинлар-500 сўм, С. Тозиев, М. Юздинаков, Ш. Кошоев ва Н. Мифтохиддинов 300 сўмдан, ака-ука Бурнашевлар 200 сўмдан, Ҳ. Кошоев ва А. Раҳмонқулов 100 сўмдан, А. Муҳаммаджонов, С. Халилов, Ҳ. Қримов, Ҳ. Муҳаммадий ва К.Абубакиров 25 сўмдан Марказий татар шўросига жами 2425 сўм маблағ йиғиб жўнатганлар². Бошқа ҳудудлардаги татар жамиятлари томонидан ҳам маблағ йиғиб Мухторият фойдасига жўнатилган.

1918 йил январь ойи бошларида Туркистон татарлари марказий бюроси раиси К. Бакир иштирокида Каттақўрғондаги татар жамиятининг умумий мажлиси ўтказилган. Мажлисида К. Бакир Туркистон Мухториятини сақлаб қолиш йўлида пул жамғариш масаласига алоҳида тўхталган. Каттақўрғонлик мусулмонларни ҳам саховатли бўлишга чақирган. Бу масалада қўқонлик татарларнинг ҳимматларини мисол қилиб кўрсатган³.

1918 йил 17-18 февраль кунлари Мухторият Муваққат ҳукумати таркибида ўзгариш бўлган. Бош вазир Мустафо Чўқаев ўз лавозимидан истеъфо беришни маъқул кўргач, унинг ўрнига Маҳди Чанишев тайинланган⁴.

Туркистон Мухториятининг қизил армия қисмлари ва арман дашноқлари томонидан тор-мор келтирилиб, Қўқон шаҳрида даҳшатли қирғин ва талон-тарож ўтказилганлиги “Улуғ Туркистон”нинг шу йил февраль, март ойидаги сонларида “Хўқанд фожеалари” номи билан туркум мақолалар тарзида очиқ-ойдин баён этиб борилган. Жумладан, улардан бирида “... 11 кун бутун жон ва танлари ила қарши турғондин сўнг Туркистон Мухториятининг аскарлари шаҳардан чиқурга мажбур бўлгонлар. Рус шаҳрида, мусулмон шаҳрида (Қўқоннинг Янги ва Эски шаҳар қисмлари назарда тутилмоқда – И.А.) тўб ва тўфангдан бийк ёмон зарарланган. Большевик ҳукумати тарафиндин отилгон кучли ва зўр тўблар шаҳарни билхоса мусулмон тарафин бийк ёмон ҳароб қилгон...”лиги қайд этилган⁵.

Қўқондаги “Саодат” номли китоб дўкони соҳиби А. Айнуллиннинг “Улуғ Туркистон” газетасига юборган мактубида, “Хўқанд бутунлай ёнуб тавом бўлгонлиқдин мундағи китобхоналардан “Ғайрат”, “Саодат”, “Бирлик” ва “Маърифат” дегон мағазинларнинг ёлғиз исмларигина қолди. Жисмлари йўқ. Шул сабабли бизга юборилатурғон ғазиталар юборилмасун. Бунда ғазита ўқийтурғон, сотатурғон ҳам олатурғон китобхоналар ва ўқийтурғон зотлар қолмади”⁶, дея большевикларнинг қилмишларини ифодалаган эди.

Туркистон Мухторияти ўлкадаги мусулмон халқларининг ҳар қандай вазиятда ҳам елкама-елка туриб мустақиллик ва озодлик учун кураша олишга қодир эканликларини кўрсатди. Бу кураш дастлабки жараёнда маданий-

¹ Улуғ Туркистон. 1917. 20 декабрь.

² Хўқанд тоторларининг ҳимматлари // Улуғ Туркистон. 1917. 24 декабрь.

³ Каттақўрғонда марказий тотор бюросининг доклади // Улуғ Туркистон. 1918. 11 январь.

⁴ Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари... – Б. 45

⁵ Туркистон Мухториятининг фожеаси // Улуғ Туркистон. 1918. 26 февраль.

⁶ Хўқанддан мактуб // Улуғ Туркистон. 1918. 6 март.

маърифий тараққиёт йўлида амалга оширилган бўлса, 1917 йил февраль инкилобидан сўнг сиёсий тус олди. Айни пайтда татар-бошқирд зиёлиларининг мураккаб вазиятларда туркистонлик қардошлари билан елкама-елка туриб, мустақил давлатчилик учун курашлари, туркий халқларнинг Туркистон озодлиги йўлида камарбаста бўлганликларини кўрсатади.

III. ХУЛОСА

Диссертация натижалари ва илмий таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Россия империяси Туркистонни истило этиш ва мустамлака тартиботини ўрнатиш жараёнида тили, дини ва маданияти жиҳатидан муштарак бўлган татар-бошқирдларнинг “ёрдами”дан унумли фойдаландилар. Уларни ҳаракатдаги армия сафига жалб этдилар. Тадқиқот таҳлили, XIX аср охирида Туркистондаги бошқарув маҳкамаларида ишловчи тилмоч ва таржимонларнинг аксарияти татар-бошқирдлар бўлганлигини кўрсатди.

2. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, “тилда, фикрда, ишда бирлик” ғоясини кўтариб чиққан И. Гаспринскийни бутун турк-мусулмон дунёсида қўллаб-қувватланди. Унинг издошлари XIX аср охирларида Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ўндан ортиқ янги усул мактабларини очдилар. Мустамлака маъмурлари, айниқса Сирдарё ва Еттисув вилоятларида улар фаолиятини назорат этиб бўлмаётганлигини кўп бора таъкидлаганлар. Маъмурият томонидан 1907-1909 йилларда татар муаллимлари фаолиятини чеклаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кутилган натижани бермади. Шу боисдан ҳам 1911 йил 1 январда Туркистон генерал-губернатори А.В. Самсонов Туркистон ўлкасининг барча ҳудудларида татар муаллимлари фаолиятини қатъий тарзда тақиқлашга мажбур бўлди. Бироқ, Туркистон ўлкасида катта обрў қозонишга эришган татар муаллимларининг янги усул мактаблари ёпилиши маҳаллий аҳолининг жиддий норозиликка сабаб бўлди.

3. Маҳаллий тараққийпарварлар қатори татар зиёлилари ҳам мустамлака тартиботига қарши курашда фаоллик кўрсатдилар. Қозонда 1903-1905 йиллари давлатга қарши фаолияти учун Туркистонга сургун қилинган И.Обидов бу ерда ҳам адолатсизлик ва жаҳолатга қарши маърифат ёрдамида курашди. Татар зиёлилари Туркистонда маърифий-сиёсий мақсадларни ўз олдига қўйган ташкилот ва жамиятлар (“Ёш партия”, “Иттифок” ва бошқалар) туздилар. Россия Давлат Думаси мусулмон фракцияси вакиллари бўлган И. Гаспринский, А. Ибрагимов, Қ. Тевкелев, С. Мақсудий каби татар сиёсатчилари турк-мусулмон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар. Айниқса, бу борада С. Мақсудийнинг Давлат Думасидаги фаолияти алоҳида эътиборга молик. Татар муаллимлари мактабларда “давлатпаноҳ” император Николай II сура-тининг осиб қўйилиши, ўқувчиларга император оила аъзолари исм-шарифларини мажбурий ёд олдирилишига қарши турдилар. Россия империясининг доимий урушлардаги иштироки, айниқса, биринчи жаҳон урушида қатнашишини қаттиқ қораладилар. Татар-бошқирдлар Туркистонда қарийб

100 минг кишини ташкил этишига қарамай, амалда кўплаб сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эдилар.

4. Туркистонда вақтли матбуот ва матбаа ишларини ташкил этиш ва ривожлантиришда татар зиёлиларининг ўрни бекиёс бўлди. Жумладан, “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Осиё”, “Туркестанский край”, “Улуғ Туркистон”, “Эл байроғи”, “Фарғона саҳифаси”, “Кенгаш”, “Шўрои Ислоҳ”, “Халқ дорулфунуни” газеталари ва “Чаён”, “Чўл чаён” каби журналларнинг нашр этилишида етакчилик қилдилар. Туркистонда миллий театр санъатининг вужудга келиши ва ривожланишига амалий ёрдам кўрсатдилар.

5. 1917 йил февраль инқилоби Туркистонда татар-бошқирд зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳадаги фаолиятларини янада жонланишига туртки берди. Тошкентда Туркистон татарларининг марказий шўроси, “Иттифок” жамияти, Қўқон, Наманган, Каттақўрғон ва бошқа шаҳарларда татар жамиятлари тузилди. Туркистон мусулмонларининг I-IV курултойларида татар-бошқирд зиёлилари фаол иштирок этдилар. Туркистонда миллий давлатчилик масаласида А.З. Валидий, С. Мақсудий, И. Шағиаҳмедов, К. Бакир, И. Ёнбоев каби сиёсий арбоблар қатъий кураш олиб бордилар.

6. XIX аср охири - XX аср бошларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги фаолиятлари таҳлили, уларнинг мустамлака тузуми ва асрий қолоқликка қарши курашда маҳаллий аҳоли билан яқдил бўлганликларини кўрсатади. Қозон, Уфа шаҳарларидаги Каримовлар ва Хусаиновлар босма хоналарида чоп этилган жадид мактаблари учун дарсликлар, янгича ҳаётни ўзида тараннум этувчи адабиётлар, газеталарни таъқиб-таъйиқларга қарамай Туркистонга келтирилиши миллат, Ватан учун фидойиликнинг асл намунаси эди. Тараққий этган Европа давлатлари ютуқларидан фойдаланиш, замонавий билимларни эгаллаш жадидларнинг асосий ғояларидан бири эди. Бу борада, татар маърифатпарвари Олимжон Идрисийнинг мусулмон ёшларини Германияда ўқитиш йўлида қилган саъйи-ҳаракатлари таҳсинга сазовор ҳоллардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот таҳлилидан келиб чиқиб, диссертант истиқболда қуйидаги тақлиф ва тавсияларни амалга оширишни лозим деб ҳисоблайди:

- XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд зиёлилари фаолиятини кенгроқ ўрганиш мақсадида республика олий ўқув юртларининг тарих факультетларида махсус курс тарзида ўқитишни жорий этиш;
- Ўзбекистон, Россия, Украина ва бошқа давлатлар тарихчи олимлари иштирокида “Туркистон жадидчилигида татар-бошқирд маърифатпарварларининг ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман уюштириш;
- Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари келишуви асосида тарихий анъаналарни ривожлантириб, олий таълим муассасалариаро талабалар юборишни ташкил этиш;
- байналмилал марказлар орқали маданий-маърифий ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

- тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадида хорижий давлатлар архивларида сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид манбаларни тўплаш учун мутахассислар илмий сафарларини уюштириш;
- Татаристон ва Бошқирдистон Республикалари олимлари билан ҳамкорликда татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги фаолияти бўйича тадқиқотлар олиб бориш.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон ҳудудида миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалиши яна бир қарра ўзифодасини топди. Маърифатпарварлар томонидан илгари сурилган эзгу ғоялар бугунги кунда ўзифодасини топмоқда. “Бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилиш, миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асоси”¹ бундан қарийб юз йил олдин тараққийпарварлар томонидан шакллантирилган эди.

Тарихнинг шундай даврлари бўладики, маърифатпарвар кишилар қаерда бўлмасинлар инсоният манфаати йўлида фаолият кўрсатадилар. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги маърифат йўлидаги курашлари изсиз кетмади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, истиқлол ва тараққиёт йўлида шахдам қадамлар билан ривожланаётган бугунги кунда уларнинг меҳнатлари ўз баҳосини топмоқда.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 137.

IV. Диссертация мавзуси юзасидан қуйидаги ишлар нашр қилинган:

1. Расулов А.Н., Исоқбоев А.А. Зиё тарқатиш йўлида // Ўзбекистон тарихининг айрим масалалари. – Наманган, 2002. – Б. 78-84.
2. Исоқбоев А.А. Туркистонда миллий матбуот ва таълимни ривожлантиришда татар маърифатпарварлари // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2003. – Б. 116-119.
3. Исоқбоев А.А. Қўқонда татар маърифатпарварлари фаолияти // Қўқон асрлар силсиласида: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Қўқон, 2004. – Б. 308-309.
4. Исоқбоев А.А. Фарғона водийсида татар маърифатпарварлари фаолияти хусусида // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2004. -№1. – Б. 41-43.
5. Исоқбоев А.А. Туркистонда татар муаллимларининг маърифатпарварлик фаолияти хусусида // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2004. -№2. – Б. 37-38.
6. Исоқбоев А.А. Маданий-маърифий тараққиёт учун кураш // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2005. -№1. – Б. 75-76.
7. Исоқбоев А.А. Мозийнинг муҳтарам муаллимлари // Таълим ва тафаккур. – Наманган, 2005. -№2. – Б. 22-23.
8. Исоқбоев А.А. Татарларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир // Тарих тилга кирганда... (Мақолалар тўплами) Даврий тўплам. -№1. – Наманган, 2007. – Б. 51-54.
9. Расулов А.Н., Исоқбоев А.А. Туркистон татарлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари: “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумидаги IV Республика илмий назарий конференцияси материаллари. – Наманган, 2007. – Б. 125-127.
10. Исоқбоев А.А. Туркистон матбуоти фидойилари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. -№4. – Б. 105-107.

ТАДҚИҚОТЧИ

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Исоқбоев Алишер Ахмаджоновичнинг 07.00.02 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича “Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири-XX аср бошлари)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Нўғайқўрғон, тилмоч, таржимон, татар муаллимлари, жадид мактаби, “нўғойча ўқиш”, дунёвий фанлар, маҳаллий аҳоли, “Таржумон”, “Галия” мадрасаси, даврий матбуот, матбаа ишлари, муҳаррир, театр санъати, труппа, ТРМБ, махфий хизматчи, ўқув муассасалари нозир, “Ёш партия”, “Иттифок” жамияти, “Улуғ Туркистон”.

Тадқиқот объекти: XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг тутган ўрни ҳамда фаолиятини очиб бериш.

Ишнинг мақсади: Туркистонда фаолият кўрсатган татар-бошқирд маърифатпарварларининг жадидчилик ҳаракати, маданий жараёнлар ва мустамлака тузумга қарши курашдаги иштирокини бирламчи манбалар асосида ёритиб бериш.

Тадқиқот усуллари: Тадқиқотни амалга оширишда тарихийлик, ҳолислик, даврий изчиллик усуллардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тадқиқотда татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолияти илк бор таҳлил этилган. Татар-бошқирд таржимон ва тилмочларининг мустамлака шароитидаги фаолиятлари ёритилган. Туркистонда татар муаллимлари томонидан очилган жадид мактаблари ўқитиш тизими ва мустамлака маъмуриятнинг уларга салбий муносабати ҳолисона ёритиб берилган. Мустамлака тузумига қарши татар-бошқирдларнинг сиёсий фаолияти, Туркистонда татарлар томонидан тузилган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти таҳлил этилган. Вақтли матбуот, матбаа ишлари, театр санъати шаклланиши ва ривожланишида татар маърифатпарварларининг ўрни очиб берилган. Туркистон Мухторияти учун кураш ва уни мустақамлашда татар-бошқирд зиёлиларининг иштироки манбалар асосида ёритилган.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижалари ва илмий хулосалари Ўзбекистон тарихининг мустамлака даврини мукамал тарзда ёритишга хизмат қилади. Шу билан бирга, халқимиз онгида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқотнинг асосий натижалари ва ғоялари диссертант томонидан чоп этилган илмий мақолаларда ҳамда илмий анжуманлардаги чиқишларида ўз аксини топган.

Қўлланиш соҳаси: Тадқиқот натижалари ижтимоий фанларнинг барча соҳаси тадқиқотчилари, шунингдек Ўзбекистон тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун назарий қўлланма ва ахборот манбаи бўлиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Исакбоева Алишера Ахмаджановича на тему “Деятельность татаро-башкирских просветителей в социально-политической и культурной жизни Туркестана (конец XIX – начало XX веков)” на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.02-История Узбекистана.

Ключевые слова: Ногайкурбан, толмач, переводчик, татарские учителя, жадидская школа, «чтение по-ногайски», мировые науки, местные жители, “Тарджиман”, медресе “Галия”, периодическая печать, издательское дело, редактор, театральное искусство, труппа, ТРОО, секретный сотрудник, инспектор учебных заведений, “Молодая партия”, общество “Иттифак”, “Улуг Туркестан”.

Объект исследования: раскрытие роли и деятельности татаро-башкирских просветителей в социально-политической и культурной жизни Туркестана конца XIX - начала XX веков.

Цель исследования: раскрыть на основе первоисточников деятельность татаро-башкирских просветителей, принимавших участие в движении джадидизма, культурных процессах и в борьбе против эксплуатации.

Методы исследования: Использованы историко-ретроспективный, проблемно-хронологический и сравнительный методы.

Полученные результаты и их новизна: впервые представлен анализ деятельности татаро-башкирских просветителей в Туркестане. Освещена деятельность татаро-башкирских толмачей и переводчиков в условиях колониального режима. Представлен объективный анализ джадидских школ, основанных татаро-башкирскими просветителями, а также негативное к ним отношение колониальной администрации. Проанализирована также деятельность организованных ими социально-политических организаций, раскрыта также роль татаро-башкирских просветителей в организации периодической печати, издательского дела и театрального искусства. На основе первоисточников освещена роль просветителей в борьбе за Туркестанскую Автономию.

Практическая значимость: полученные результаты, научные выводы и заключения будут способствовать более глубокому освещению периода независимости в истории Узбекистана. Вместе с тем, результаты исследования способствуют формированию в сознании молодёжи межнационального согласия и религиозной толерантности.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные идеи, выводы и заключения исследования изложены в опубликованных статьях и выступлениях диссертанта.

Область применения: результаты исследования могут служить теоретическим пособием и важным информационным источником для специалистов по истории Узбекистана.

RESUME

Thesis of Isakbaev Alisher Ahmadjanovich on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in History, specialty 07.00.02 - History of Uzbekistan on subject “Activity of the Tatar-Bashkirian enlighteners in socio-political and cultural life of Turkestan (the end 19th - the beginning of 20th centuries)”

Key words: Nogaykurgan, “tolmach”, the translator, the Tatar teachers, jadid schools, “reading in nogay style”, global sciences, local population, “Tardjuman”, medreseh of "Ghalia", periodic media-press, publishing business, editor, the art of theatre, troupe, TRDP, secret agents, the inspectors of educational institutions, “the Young party”, the society of “Ittifak” (“Union”), “Ulugh Turkestan” (“Great Turkistan”).

Subjects of the inquiry: role and activity of the Tatar-Bashkirian educators in sociopolitical and cultural life of Turkistan on the end 19th and the beginnings of 20th centuries.

Aim of the inquiry: investigating the activity of the Tatar-Bashkirian enlighteners on the basis of primary sources, accepting their participations in movements of jadidism (reformation), cultural processes and in struggles against exploitation.

Methods of the inquiry: historical-retrospective, problem-chronological and contrastive-comparative methods have been used.

The results achieved and their novelty: the dissertation for the first time in native historical studies has developed scientific generalization of Tatar-Bashkirian educators’ activity in Turkistan during the period of the end 19th-the beginning of 20th centuries. The activity of tatar-bashkirian Tolmachs (oral translators) and translators in conditions of colonial regime is investigated. The objective analysis of jadid (new method) schools based by the Tatar-Bashkirian educators is presented in this work, and also is enshrined the negative attitudes to them submitted from colonial administration. Activity of the sociopolitical organizations organized by them is analyzed, and the role of Tatar-Bashkirian educators in the organization of periodical press, publishing business and the art of theatre is opened also. On the basis of primary sources the role of educators in struggle for the Turkistan Autonomy is covered.

Practical value: received results, scientific conclusions and theories will promote perfection of reflection of the period of independence in a history of Uzbekistan. At the same time they represent significant interest, for formation knowledge of people of the international consent and religious tolerance.

Degree of embed and economic effectivity: main ideas, conclusions and theories of the research are stated in published articles and statements of the researcher.

Sphere of usage: results of the research can serve as an important theoretical sources for experts on a history of Uzbekistan.